



ОЛИЙ ТАЪЛИМ
МУАССАСАЛАРИНИ
НУФУЗЛИ ТАШКИЛОТЛАР
РЕЙТИНГИНИНГ
ТОП-1000 ТАЛИГИГА КИРИТИШ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН
ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ ХУЗУРИДАГИ ОЛИЙ
ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДҚИҚОТЛАРИ ВА
ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТИШ МАРКАЗИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ НУФУЗЛИ ТАШКИЛОТЛАР РЕЙТИНГИ ТОП-1000 ТАЛИГИГА КИРИТИШ

Методик қўлланма



ТОШКЕНТ
2023

УЎК: 378(072)

КБК: 74.58(5Ў)

Я – 49

Якубов, Ш.

Олий таълим муассасаларини нуфузли ташкилотлар рейтинги топ – 1000 талигига киритиш [Матн] : методик қўлланма / Ш. Якубов, М. Хуррамов, К. Халмуратова . – Тошкент: “Sano-Standart”, 2023. – 32 б.

ISBN 978-9943-7215-4-8

Ушбу қўлланма Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази томонидан олий таълим муассасаларига халқаро рейтингларга кириш борасида методик ёрдам бериш мақсадида тайёрланди.

Қўлланма нуфузли халқаро рейтинг ташкилотлари ва унинг турлари, баҳолаш мезонлари, республика олий таълим муассасаларининг мазкур рейтинглардаги ўрнини яхшилаш ҳамда бу борадаги саъй-ҳаракатларни жадаллаштириш масалаларига бағишланган.

Ушбу қўлланма олий таълим муассасалари раҳбарлари, профессор-ўқитувчилари ва ходимлари учун мўлжалланган.

Таҳрир ҳайъати:

Ш.Якубов, Т.Аҳмедов, Л.Зарипов,
А.Эшмуродов, С.Мусамедов, А.Сабриев

УЎК: 378(072)

КБК: 74.58(5Ў)

Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2022 йил 29 октябрдаги 6-сонли йигилиш баёни ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2022 йил 25 ноябрдаги 388-сонли буйруғи билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-7215-4-8

© Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази, 2023 й.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармонида мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларини халқаро рейтинг ташкилотлари рўйхатига киритиш стратегик вазифа сифатида кўрсатилган. Шу нуқтаи назардан олий таълим муассасаларининг халқаро рейтинглардаги ўрнини мустаҳкамлаш бугунги кун олий таълим тизими учун долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Мазкур қўлланма олий таълим муассасаларини халқаро рейтинг ташкилотлари рўйхатига киритиш бўйича саъй-ҳаракатларни жадаллаштириш мақсадида ташланган навбатдаги қадамлардан биридир. Қўлланмада халқаро рейтинг ташкилотлари ва уларнинг турлари, баҳолаш методологияси, республика олий таълим муассасаларининг мазкур рейтинглардаги ўрни, мавжуд муаммолар ҳамда уларнинг мазкур рейтинглардаги ўрнини яхшилаш бўйича таклиф ва тавсиялар ўрин олган.

Қўлланма билан танишиш давомида қуйидаги саволларга жавоб топишингиз мумкин:

- Халқаро рейтинглар ўзи нима?
- Халқаро рейтинг ташкилотларининг баҳолаш мезонлари нималардан иборат?
- Республика олий таълим муассасалари халқаро рейтингларда қайси поғоналарни эгалламоқда?
- Олий таълим муассасаларининг халқаро рейтинглар билан боғлиқ фаолиятида қандай муаммолар сақланиб қолмоқда?
- Олий таълим муассасаларининг халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилаш учун қайси чора-тадбирларни биринчи навбатда амалга ошириш зарур?

Таъкидлаш жоизки, мазкур қўлланма халқаро рейтинглар билан боғлиқ барча саволларингизга жавоб бермаслиги мумкин, лекин унда энг нуфузли халқаро рейтинглар фаолиятига оид муҳим саволларга жавоб топишингиз мумкин.

ХАЛҚАРО РЕЙТИНГЛАР: ТУРЛАРИ, МАЗМУНИ ВА МОҲИЯТИ

Рейтинг — бу махсус бир методология билан белгиланадиган муайян объектнинг даражаси, аҳамияти, малакаси ёки нуфузини акс эттирувчи рақамли кўрсаткич ҳисобланади.

Олий таълим муассасалари рейтинги — бу маълум бир билим соҳасидаги энг яхши таълим ташкилотларнинг ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва ўқув фаолияти билан боғлиқ сифат кўрсаткичларини баҳоловчи мезондир.

Таъкидлаш жоизки, университетлар рейтингини аниқлаш дастлаб АҚШда бошланган. 1893 йили **US News and World Report** журнали “Америкадаги энг яхши коллежлар” рўйхатини эълон қилади. Жаҳон университетларининг биринчи халқаро академик рейтинги эса 2003 йилда тузилган. Бугунги кунда шунга ўхшаш 10 дан ортиқ умумэътироф этилган глобал рейтинглар мавжуд.

Маълумки, **рейтинглар қамрови ва кўлами жиҳатидан қуйидаги турларга бўлинади:**

- **Жаҳон рейтинглари** — бу университетларнинг жаҳон миқёсидаги таҳлиллари негизида шакллантириладиган глобал рейтинглар бўлиб, мазкур рейтинглар орқали барча мамлакатларнинг олий таълим муассасаларини солиштириш мумкин. Бу тоифага QSWUR (Quacquarelli Symonds World University Rankings), THE (Times Higher Education), ARWU (Academic Ranking of World Universities or Shanghai Ranking), USNWR (U.S. News & World Report), Webometrics ва бошқаларни киритиш мумкин.

- **Минтақавий рейтинглар** — бу битта минтақа доирасида ёки иқтисодийёти бир-бирига яқин бўлган давлатлар университетларининг таҳлили ва баҳолаш натижалари асосида шаклланган рейтинглардир. Бу тоифага QSнинг Осиё давлатлари рейтинги, Араб давлатлари рейтинги, Лотин Америка давлатлари рейтинги ҳамда Ривожланаётган Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари рейтингларини киритиш мумкин.

- **Миллий рейтинглар** — бу маълум бир мамлакатдаги университетлар фаолиятини таҳлил қилиш натижасида тузиладиган рейтинглардир.

Бундан ташқари, халқаро рейтинглар баҳолаш методологиясига кўра, қуйидаги тўртта тоифага ажратилади:

Анъанавий – университетлар фаолиятининг объектив кўрсаткичлари асосида тузилади: илмий нашрлар ва иқтибослар фаоллиги индекслари, ресурслар билан таъминланганлик кўрсаткичлари, битирувчиларнинг мартаба муваффақияти ва бошқалар. Бундай рейтингларга Academic Ranking of World Universities (ARWU), Performance Ranking of Scientific Papers for World Universities ва Leiden Ranking киради.

Нуфузли (шахсларнинг фикр-мулоҳазалари асос қилиб олинади) – мутахассисларнинг махсус сўровнома натижалари асосида тузилади. Бунга World Reputation Rankingsни мисол қилиб келтириш мумкин.

Виртуал – олий таълим муассасасига тегишли интернет сайтларининг машҳурлигини баҳолайди. Кўрсаткичлар қуйидаги омиллар асосида баҳоланади: ташриф буюрувчилар частотаси, ҳаволалар сони ва бошқалар. Ушбу турдаги рейтингга Испаниянинг Webometrics ташкилоти киради.

Аралаш (гибрид) – юқорида санаб ўтилган уч тоифанинг йиғиндиси ҳисобланади. Булар қаторига Times Higher Education World University Rankings (THE) ва QS киради.

Таъкидлаш жоизки, университетнинг рейтинги қанчалик юқори бўлса, ушбу университетда фаолият юритаётган ўқитувчилар малакаси, олий таълим муассасасининг бюджети, иқтидорли талабалари ва муваффақиятли битирувчилари сони шунчалик катта бўлади.

Халқаро рейтингларнинг етакчилари кўпинча Буюк Британия ва АҚШ университетлари (Кембриж, Стенфорд, Гарвард ва Оксфорд университетлари, Массачусетс технология институти, Калифорния технология институти) ҳисобланади. Франция, Германия, Хитой университетлари ҳам рейтингда юқори поғоналарни эгаллайди. Шунингдек, Top 10 таликка Сингапур, Канада, Япония университетлари ҳам киради.

НУФУЗЛИ ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ ТАШКИЛОТЛАРИ: МАҚСАД- ВАЗИФАЛАРИ ВА БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Бугунги кунда жаҳон миқёсида 10 дан ортиқ халқаро рейтинг ташкилотлари мавжуд бўлиб, уларнинг ичида қуйидагилари энг нуфузлилари ҳисобланади:

1. QS World University Rankings;
2. Academic Ranking of World Universities (ARWU or Shanghai Ranking);
3. Times Higher Education World University Rankings (THE);
4. U.S. News & World Report (USNWR); 5. Webometrics ranking of World Universities.



QS World University Rankings — бу энг яхши олий таълим муассасаларининг фан ва таълим соҳасидаги ютуқларини баҳоловчи глобал тадқиқотдир. Мазкур тадқиқот Британиянинг Quacquarelli Symonds (QS) консалтинг компанияси томонидан тузилади. Ушбу рейтинг дунёнинг энг нуфузли учта рейтингларидан бири ҳисобланади.

QS Rankings университетлар фаолиятини қуйидаги бешта индикатор асосида баҳолайди:

1. Олий таълим муассасасининг академик муҳитдаги нуфузи — 40%. Ушбу кўрсаткич дунё бўйлаб университетларда ўқитиш ва тадқиқот сифатини баҳолаш орқали шакллантирилади. Бунга олий таълим муассасаларининг 130 минг нафар иштирокчилари ўртасида ўтказиладиган эксперт сўрови натижалари асос бўлади.

2. Олий таълим муассасасининг иш берувчилар ўртасидаги нуфузи — 10%. Бунда 75 мингта йирик ва кичик бизнес вакиллари ўртасида сўров ўтказилиб, қайси университетлар битирувчилари энг малакали эканлиги аниқланади.



3. Талабалар ва ўқитувчилар сонининг нисбати – 20%. Ушбу элемент ўқитиш сифатининг билвосита кўрсаткичидир. Бир талабага қанча кўп ўқитувчи тўғри келса, уларнинг иш юкмаси шунчалик кам бўлади. Бу дегани ўрганиш, изланиш ва ўқиш учун кўпроқ вақт ажратилади.

4. Илмий нашрларнинг иқтибос индекси – 20%. Бунда академик муҳитда қабул қилинган тадқиқот ишларининг аҳамияти ўлчанади. Маълумотлар Elsevier Scopus халқаро илмий базасидан олинади.

5. Халқаро талабалар ва ўқитувчилар сони – 10%. Бунда хориж талабалари ва профессор-ўқитувчилари сонининг умумий талабалар ва профессор-ўқитувчилар сонига нисбати олинади. Талабалар ва профессор-ўқитувчилар охириги уч ой давомида узлуксиз равишда мазкур университетда таҳсил олаётган ҳамда ишлаётган бўлишлари лозим.

Таъкидлаш жоизки, агар бир нечта университетларнинг якуний бали тенг бўлиб қолса, уларга бир хил ўринлар берилади.

QS жаҳон рейтингларидан ташқари, минтақалар ва таълим йўналишлари бўйича ҳам рейтинглар эълон қилиб боради. Улар қуйидагилардан иборат:

- санъат ва гуманитар фанлар;
- муҳандислик ва технология;
- тиббиёт;

- табиий фанлар;
- ижтимоий фанлар ва менежмент.

Шунингдек, QS тизимида битирувчиларни ишга жойлаштириш рейтингини ҳам топиш мумкин. Бу рейтинг олийгоҳларга талабаларини меҳнат бозорига қанчалик яхши тайёрлаши ҳамда талаблардан талаб қилинадиган касбий кўникмаларни ўргатиши кераклигини кўрсатиб беради.



Times Higher Education World University Rankings (THE) – дунёдаги энг яхши университетларни ўз рейтингига киритишга уринадиган глобал тадқиқот ташкилотидир. Рейтинг ҳар йили Британиянинг Times Higher Education нашри томонидан Thomson Reuters ахборот гуруҳи кўмагида тузилади. 2004 йилдан 2009 йилгача THE рейтингини QS билан биргаликда Жаҳон университетлари рейтингини тузар эди. Аммо 2010 йилдан бошлаб THE мустақил фаолият юритиб келмоқда.

THE олий таълим муассасаларини қуйидаги беш йўналиш бўйича баҳолайди:

1. Ўқитиш сифати (teaching) – 30%. Статистик маълумотлар ва эксперт сўрови ёрдамида баҳоланади.

2. Илмий тадқиқот ишлари (research) – 30%. Илмий ишларнинг сифати ва миқдори академик муҳитда баҳоланади.

3. Иқтибослар индекси – 30%. Халқаро илмий базаларда индекс-ланадиган журналларда чоп этилган мақолаларнинг ҳаволалари сони инобатга олинади.

4. Халқаро прогноз (international outlook) – 7,5%. Хорижий ва маҳаллий талабалар / ўқитувчилар нисбати таҳлил қилинади.

5. Саноатга қўшилган ҳисса (industry income/knowledge transfer) – 2,5%. Университет ихтиролари ва фойдаланилган инновацияларидан олинadиган даромад ҳисобга олинади.

Энг муҳим тадқиқот ва иқтибос параметрлари фақат инглиз тилида нашр этилган манбаларни инобатга олади. Шу сабабли инглиз тилида сўзлашадиган мамлакатлар университетлари афзалликларга эга.

Қайд этиш лозимки, олий таълим муассасаларида бакалавр йўналишлари ўқитилмаса ҳамда 2016 йилдан 2020 йилгача бўлган даврда 1 000 дан кам илмий мақола чоп этилган бўлса, мазкур университет рейтингга киритилмайди. THE рейтинг тадқиқотларга катта эътибор қаратганлиги сабабли, докторантура дастурлари, шунингдек, техник ва табиий фанлар нуқтаи назаридан энг объектив нашр ҳисобланади. Мазкур рейтинг ижтимоий ва гуманитар фанларга камроқ эътибор қаратади.

Шунингдек, Times Higher Education нашриёти университетларнинг минтақавий ва фанлар бўйича ҳам рейтингини тузади. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Asia University Rankings – фаолияти асосан Осиё университетларига қаратилган рейтинг бўлиб, кўпинча университетларнинг тадқиқот ва фанга қўшган ҳиссасини ҳисобга олади. Баҳолаш мезонларида ўқитиш сифати камроқ аҳамиятга эга. Сабаби шундаки, Осиёдаги кўплаб университетлар Европа университетларига нисбатан ёшроқ бўлиб, бир хил нуфузга эга эмас.

2. Emerging Economies Rankings – ривожланаётган мамлакатлар учун университетлар рейтингидир. Қизиғи шундаки, кучли 20 таликдаги деярли барча ўринлар Хитой университетларига тегишли.

3. Latin America Rankings – Лотин Америкасидаги университетларнинг минтақавий рейтинг ҳисобланади.

4. Arab University Rankings – Яқин Шарқ ва Шимолий Африка минтақасидаги университетлар рейтингини қамраб олади.

5. Young University Rankings – 50 ёшдан кичик бўлган университетлар учун мўлжалланган. Мазкур рейтингда энг аҳамиятсиз мезон нуфуз кўрсаткичи ҳисобланади. Сабаби “ёш” университетлар “ёши катта” университетлар билан рақобатлаша олмайди.

6. World Reputation Rankings – профессор-ўқитувчиларнинг сўровнома натижалари асосида тузиладиган рейтинг ҳисобланади. Профессор-ўқитувчилар ўз соҳаси бўйича энг яхши деб билган 15 нафаргача университетлар номини танлаши мумкин.



Academic Ranking of World Universities (ARWU) ёки “Shanghai Ranking” – биринчи марта 2003 йилда “Шанхай Жиао Тонг университети” (Хитой) тадқиқот маркази томонидан нашр этилган. Ушбу рейтинг QS ва THE билан бир қаторда учинчи муҳим глобал рейтинг ҳисобланади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ARWUнинг мазмуни мамлакатдаги таълим тизимининг кучли ва заиф томонларини аниқлашга ёрдам беради. Шунингдек, илм-фан ва таълим ташаббусларини шакллантириш ҳамда амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшади. Дунёнинг энг нуфузли рейтинглари учлигига киритилган Шанхай рейтингининг баҳолаш методологияси илмий асосланганлиги, барқарорлиги ва шаффофлиги билан ажралиб туради.

ARWU университетлар фаолиятини бешта мезон бўйича баҳолайди:

1. Университетда фаолият юритадиган ходимлар ҳамда битирувчи талабалар ичида Нобел ёки Филдс мукофотлари лауреатлари мавжудлиги;
2. Ўқитувчилар ёки талабалар орасида тез-тез тилга олинadиган таниқли тадқиқотчиларнинг мавжудлиги;
3. Табиий ва техника фанлари соҳасидаги нашрлар;
4. Science Citation Index-Expanded (SCIE) ва Social Science Citation Index (SSCI)да нашр этилган илмий мақолалар;
5. Университет олдинги йилларда эришган натижаларининг мавжуд ходимлар сонига нисбати.

Таъкидлаш жоизки, Шанхай рейтинги қатъий рейтинглардан бири сифатида танилган бўлиб, унда университетларнинг позициялари камдан-кам ўзгаради.



U.S. News & World Report Best Global University Ranking – ҳар йили U.S. News & World Report томонидан чоп этиладиган глобал университетлар рейтинги ҳисобланади.

U.S. News & World Report рейтинг ташкилоти олий таълим ташкилотларини ўн учта кўрсаткичлар бўйича баҳолайди:

1. Global research reputation (глобал тадқиқот нуфузи) – 12,5%;
2. Regional research reputation (минтақавий тадқиқот нуфузи) – 12,5%;
3. Publications (илмий мақолалар сони) – 10%;
4. Books (китоблар сони) – 2,5%;
5. Conferences (илмий конференциялар сони) – 2,5%;
6. Normalized citation impact (меъёрий иқтибос таъсири – кутилаётган иқтибослар сонини реал иқтибослар сонига бўлиш орқали аниқланади) – 10%;
7. Total citations (жами иқтибослар) – 7,5%;
8. Дунёда энг кўп иқтибос келтирилайдиган 10 фоизга кирувчи нашрлар сони – 12,5%;
9. Нашрларнинг умумий сонидан энг кўп иқтибос келтирилайдиган 10 фоизга кирувчи нашрлар улуши – 10%;
10. Халқаро муаллифлар жамоаси ҳамда тадқиқот ишларининг улуши (муайян давлатга нисбатан) – 5%.
11. Халқаро муаллифлар жамоаси ҳамда тадқиқот ишларининг улуши (барча университет тадқиқотларига нисбатан) – 5%;
12. Ўз соҳаси бўйича энг кўп иқтибос келтирилайдиган 1 фоизга кирувчи мақолалар сони – 5%;

Webometrics

RANKING WEB OF UNIVERSITIES

13. Энг кўп иқтибос келтириладиган 1% мақолалар қаторига кирган жами нашрлар улуши – 5%.

Ranking Web of Universities (Webometrics) – дунёнинг энг яхши университетлари рейтингини тузади. Рейтинглар Испания Миллий тадқиқот кенгаши таркибига кирувчи Cybermetrics Lab тадқиқот гуруҳи томонидан ўтказилади. Ушбу рейтинг 2004 йилдан бери йилига икки марта (январь ва июнь ойларида) эълон қилинади. Рейтинг таълим муассасалари веб-сайтларнинг контентлари янгиланиши, долзарблиги ва оммабоплигини инобатга олган ҳолда тузилади. Webometrics виртуал маконда мавжуд энг нуфузли олий таълим ташкилотлари рейтингини ҳисобланади.

Webometrics рейтингини тўртта кўрсаткичга асосланади:

1. **Size (бу қидирув тизимлари томонидан қамраб олинган сайт саҳифалари сони) – 25%.** Тўртта қидирув тизими қўлланилади: Google, Yahoo, Live Search ва Exalead.

2. **Visibility (бу сайт саҳифаларида ноёб ташқи ҳаволалар сони) – 50%.** Университет веб-сайтига ташқи ҳаволаларни излаш Yahoo Search, Live Search ва Exalead тизимлари ёрдамида амалга оширилади.

3. **ich Files (бу сайтга жойлаштирилган “қимматли” файллар сони) – 12,5%.** Тўрт форматдаги файллар сони ҳисобга олинади: Adobe Acrobat (.pdf); Adobe Postscript (.ps); Microsoft Word (.doc); Microsoft PowerPoint (.ppt).

4. **Scholar (бу университет веб-сайтидаги саҳифалар ва ҳаволалар сони) – 12,5%.** Google Scholar қидирув тизимидан фойдаланилади.

Ranking Web of Universities рейтингининг якуний версияси дунёнинг 4 000 га яқин университетларини ўз ичига қамраб олади. Бу рақам йилдан-йилга ортиб бормоқда.

РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО РЕЙТИНГЛАРДАГИ ЎРНИ ҲАМДА МАВЖУД МУАММОЛАР

Бугунги кунга келиб мамлакатимиз олий таълим муассасалари ҳам халқаро рейтинглардан бирин-кетин ўрин ола бошлади. Айрим олий таълим ташкилотлари эса халқаро рейтинглардаги ўрнини мустаҳкамлаб бормоқда. Хусусан, 2023 йил учун QS Осиё Университетлар рейтинги (QS Asia University Rankings 2023)да илк бор республикамизнинг 8 та олий таълим муассасаси ТОП – 1000 талиқдаги Осиёнинг энг кучли университетлари қаторидан жой олди.

№	Олий таълим муассасаси	Осиёдаги ўрни	Марказий Осиёдаги ўрни
1	“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети	301-350	14
2	Ўзбекистон Миллий университети	351-400	18
3	Тошкент молия институти	551-600	29
4	Тошкент давлат техника университети	551-600	29
5	Самарқанд давлат университети	601-650	38
6	Тошкент давлат аграр университети	601-650	38
7	Қорақалпоқ давлат университети	701-750	41
8	Тошкент давлат педагогика университети	701-750	41

www.4icu.org интернет нашрининг маълумотларига кўра, Самарқанд давлат тиббиёт университети Ўзбекистон бўйича рейтинги 1-ўринда туради, дунё рейтингда 1 940-ўринни эгаллайди.

www.edurank.org интернет нашри томонидан Ўзбекистондаги 67 та энг яхши университет мавқеи, тадқиқот натижалари ва битирувчиларининг ишга жойлашиш кўрсаткичлари асосида рейтинг тузиб чиқилган. Мирзо

Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ушбу рейтингда республикамиз аро 1-ўрин, Осиё бўйича 1606-ўрин, дунё бўйича 4589-ўринни эгаллагани аниқланди.

Webometrics ranking of World Universities халқаро рейтинг тизими бугунги кунда дунё миқёсидаги энг таниқли халқаро мустақил илмий рейтинг тизими ҳисобланади. Ўзбекистон Миллий университети ушбу рейтингда дунё бўйича 3 971-ўринни эгаллагани аниқланди.

2019–2021 йилларда Ўзбекистоннинг тўртта олий таълим муассасаси (“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети, Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Самарқанд давлат университети) “Quacquarelli Symonds” халқаро агентлигининг Emerging Europe and Central Asia University Ranking (EECA), яъни ривожланаётган Европа ва Марказий Осиё давлатлари рейтингда иштирок этиб, ўз натижаларини яхшилаб бормоқда.

2021 йилнинг декабрь ойида QS рейтинг ташкилоти томонидан QS EECA 2022 рейтинг натижалари эълон қилинди. Унга кўра, Ўзбекистоннинг тўртта олий таълим муассасаси “Quacquarelli Symonds” халқаро агентлигининг 2022 йил учун энг яхши университетлар рейтингда кўрсаткичлар бўйича ўз натижаларини яхшилади.

Академик репутация бўйича Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти (“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети) 2020 йилда 189-ўрин, 2021 йилда эса 138-ўринга юқорилаган бўлса, мазкур йўналиш бўйича Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети 2019 йилда 186-, 2020 йилда 201-, 2021 йилда эса 164-ўринларни эгаллади. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети 264-ўрин, Самарқанд давлат университети эса 395-ўринда қайд этилди.

Иш берувчилар репутацияси бўйича Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети 2019 йилда 328-, 2020 йилда 271-, 2021 йилда эса 240-ўринни эгаллаган бўлса, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти 2020 йилда 155-, 2021 йилда 117-ўринга юқорилади. Ўзбекистон Миллий



"Toshkent irrigatsiya va qishloq xo'jaligini mexanizatsiyalash muhandisarlari instituti" Milliy tadqiqot universiteti

301-350 O'RIN



Samarqand davlat universiteti

601-650 O'RIN



Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston Milliy universiteti

351-400 O'RIN



Toshkent davlat agrar universiteti

601-650 O'RIN



Toshkent moliya instituti

551-600 O'RIN



Qoraqalpog' davlat universiteti

701-750 O'RIN



Toshkent davlat texnika universiteti

551-600 O'RIN



Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti

701-750 O'RIN

QS ASIA UNIVERSITY RANKINGS 2023



universiteti mazkur йўналиш бўйича 2021 йилда 280-ўринни эгаллади. Шунингдек, Ўзбекистон олий таълим муассасалари Буюк Британиянинг Times Higher Education ташкилоти томонидан баҳолаб бориладиган THE Impact Ranking рейтингини бўйича ҳам юқори поғоналарни эгаллади. Ушбу рейтингда юртимиздаги 10 та олий таълим муассасаси иштирок этиб, Тошкент давлат юридик университети дунёнинг 94 та минтақа ва давлатларидан қатнашган минглаб университетлар орасида 401-ўринни эгаллади. Mazkur олий таълим муассасаси рейтингда мамлакатимиз олий таълим муассасалари орасида энг юқори кўрсаткични қайд этди.

Қайд этиш лозимки, республика олий таълим муассасалари халқаро рейтинглардаги ўринни мустаҳкамлаб бораётган бўлса-да, рейтинглар билан боғлиқ айрим муаммолар сақланиб қолмоқда. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Рейтингларнинг моҳиятини тушунмаслик, рейтинг ташкилотларининг асосий мезонларидан профессор-ўқитувчиларнинг хабардор эмаслиги.

2. Аксарият олий таълим муассасаларида Халқаро рейтинг масаласи бўйича шуғулланадиган бўлим ташкил этилмагани, масъуллар бириктирилмаганлиги.



TIMES HIGHER EDUCATION АГЕНТЛИГИНИНГ IMPACT RANKINGS 2022 ЙИЛ РЕЙТИНГИ

Toshkent davlat inqilobiy universiteti 56.6 801+ 1000+	Toshkent davlat erkinlik universiteti 53.75 1001+	Toshkent tibbiyot akademiyasi 52.8 1001+	Toshkent musulon instituti 50.7 1001+	Toshkent davlat tibbiyot universiteti 50.1 1001+	Toshkent pedagogiya tibbiyot instituti 49.4 1001+
Kirovdin davlat universiteti 48.6 1001+	Toshkent davlat sport-mehnat universiteti 48.5 1001+	Andronom madaniyatshunoslik instituti 48.4 1001+	Samarqand davlat tibbiyot universiteti 48.1 1001+	Toshkent davlat stomatologiya instituti 47.8 1001+	Toshkent davlat texnika universiteti 47.4 1001+
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti 46.7 1001+	Alfa universiteti 46.7 1001+	Samarqand davlat universiteti 46.6 1001+	Toshkent turizm iqtisodiyot universiteti 46.2 1001+	Toshkent universiteti ta'lim va fan bo'yicha ilmiy markazi 46 1001+	Toshkent aiborot texnologiya universiteti 45.7 1001+
Namang'ni muhojirlashtirish universiteti 44.8 1001+	Toshkent farmatologiya instituti 44.1 1001+	Andronom davlat tibbiyot instituti 43.9 1001+	Buxoro davlat tibbiyot instituti 43.9 1001+	Rixbondin ilmiy universiteti 42.6 1001+	Toshkent davlat pedagogika universiteti 41.8 1001+
Tashkent davlat iqtisodiyot universiteti 40.2 1001+	Toshkent davlat transport universiteti 41.1 1001+	Urganch davlat universiteti 38.4 1001+	Andronom davlat universiteti 38.3 1001+	Toshkentdagi Iltis universiteti 33.9 1001+	Farqona pedagogika instituti 32.6 1001+

Олий таълим муассасаларининг нуфузли халқаро рейтингига ҳисобланган Times Higher Education ўзининг 2022 йил учун Impact рейтингига (THE Impact Rankings 2022) натижаларини эълон қилди. Қувонарлиси, унда илк бор юртимизнинг 30 та олий таълим муассасаси ушбу рейтингдан ўрин эгаллади.

3. Барча, айниқса вилоят ва туманлардаги ОТМларда нуфузли хорижий таълим ташкилотлари, уларнинг профессор-ўқитувчилари билан ҳамкорлик уларнинг алоқалари, халқаро грантлардаги иштироки сустлиги.

4. Айрим ОТМларнинг жозибadorлиги паст бўлгани учун етакчи хорижий ОТМлар ва чет эл талабалари қизиқиш билдирмаганлиги ва ҳамкорлик ишлари бўйича рад жавоби берилиши.

5. Халқаро даражада мақола ёзиш амалиёти шаклланмаганлиги, мақола ёзганларни тизимли рағбатлантириш амалиёти жорий этилмаганлиги.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО РЕЙТИНГЛАРДАГИ ЎРНИНИ ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР

Республика олий таълим муассасаларининг халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилаш учун қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

1. QS, THE ва ARWU халқаро рейтинг ташкилотлари мезонлари асосида Олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш учун намунавий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиши, уларга методологик ёрдам кўрсатиб борилиши зарур.

2. ОТМларда босқичма-босқич халқаро рейтинглар билан ишлаш бўлими ташкил этилиши мақсадга мувофиқ. Айниқса, сўнгги вақтларда ўрни мустақамланиб бораётган олий таълим муассасаларида албатта ташкил этилиши керак. Ҳеч бўлмаганда иккита ходимга бу вазифалар ижросини таъминлаш ва жавобгарлик юклатилиши зарур.

3. Халқаро рейтинглар билан самарали ишлаётган, дастлабки натижаларга эришган ОТМлар вакилларида иборат ишчи гуруҳини ташкил этиб, уларни халқаро даражада сертификатланадиган курсларда ўқишни ташкил этиш керак.





















4. Халқаро рейтинг ташкилотлари фаолияти, уларнинг мезонлари, мазкур ташкилотлар билан самарали ишлаш ҳақида тушунарли тарзда маълумот берадиган махсус методик қўлланма ҳамда видеороликлар тайёрлаш керак.

5. ОТМлар жозибадорлигини ошириш, уларнинг илмий ижтимоий тармоқлардаги профилларини очиш, расмий веб-сайтларини янгилаш ҳамда халқаро рейтинг мезонлари асосида маълумотларни тизимли жойлаштириб бориш лозим.

6. Scopus, Science Direct ва Web of Science маълумотлар базаларидаги илмий журналлар учун мақола ёзиш усулларини ўргатиш бўйича гуруҳлар, курслар, проф-рединг хизматлари ташкил этилиши мақсадга мувофиқ.

ИЛОВАЛАР










Жаҳон университетларининг академик рейтинг (Shanghai Ranking 2022) талқинига кўра дунёдаги энг яхши олийгоҳлар

Jahon reytingi	Tashkilot	Country/Region	Milliy/mintaqaviy daraja	Umumiy ball	Alumni
1	 Garvard universiteti		1	100,0	100,0
2	 Stenford universiteti		2	76,8	45,0
3	 Massachusets texnologiya instituti (MIT)		3	70,1	72,8
4	 Kembrij universiteti		1	69,6	78,8
5	 Kaliforniya universiteti, Berkli		4	65,3	65,4
6	 Prinстон universiteti		5	60,0	62,9
7	 Oksford universiteti		2	58,7	48,0
8	 Kolumbiya universiteti		6	57,2	58,5
9	 Kaliforniya texnologiya instituti		7	56,1	56,0
10	 Chikago universiteti		8	55,1	57,7










Жаҳон университетларининг академик рейтинг (Shanghai Ranking 2022) талқинига кўра Хитойдаги энг яхши олийгоҳлар

Jahon reytingi	Tashkilot	China	Milliy/mintaqaviy daraja	Umumiy ball	Alumni
98	 Tsinghua universiteti		1	25.9	0.0
201-300	 Pekin universiteti		2-7	35.9	0.0
201-300	 Zhejiang universiteti		2-7	34.7	0.0
201-300	 Shanxay Jiao Tong universiteti		2-7	32.0	0.0
201-300	 Xitoy fan va texnologiya universiteti		2-7	30.3	0.0
201-300	 Fudan universiteti		2-7	30.0	0.0
201-300	 Sun Yat-sen universiteti		2-7	27.5	0.0
301-400	 Huazhong Fan va Texnologiya Universiteti		8	26.1	0.0
401-500	 Gonkong universiteti		9-11	26.1	0.0
401-500	 Markaziy Janubiy universiteti		9-11		0.0
401-500	 Nankin universiteti		9-11		0.0










QS World University Rankings 2022 талқинига кўра дунёдаги энг яхши олийгоҳлар

Daraja	Universitet	Umumiy ball
1	 Massachusetts texnologiya instituti (MIT) @Kembriy, Amerika Qo'shima Shtatlari	100
2	 Oksford universiteti @Oksford, Buyuk Britaniya	99,5
=3	 Stenford universiteti @Stenford, Amerika Qo'shima Shtatlari	98,7
=3	 Kembriy universiteti @Kembriy, Buyuk Britaniya	98,7
5	 Garvard universiteti @Kembriy, Amerika Qo'shima Shtatlari	98
6	 Kaliforniya texnologiya instituti (Kaltex) @Pasadena, Amerika Qo'shima Shtatlari	97,4
7	 London Imperial kolleji @London, Buyuk Britaniya	97,3
=8	 ETH Tsyurix @Tsyurix, Shveytsariya	95,4
=8	 UCL @London, Buyuk Britaniya	95,4

QS World University Rankings 2022 талқинига кўра Европа минтақасидаги энг яхши олийгоҳлар

↑ Daraja	Universitet	Umumiy ball
2	 Oksford universiteti @Oksford, Buyuk Britaniya	99.5
=3	 Kembrij universiteti @Kembrij, Buyuk Britaniya	98.7
7	 London Imperial kolleji @London, Buyuk Britaniya	97.3
=8	 ETH Tsyurix @Tsyurix, Shveytsariya	95.4
=8	 UCL @London, Buyuk Britaniya	95.4
=14	 EPFL @Lozanna, Shveytsariya	90.2
16	 Edinburg universiteti @Edinburg, Buyuk Britaniya	89.9
=27	 Manchester universiteti @Manchester, Buyuk Britaniya	84
35	 London King's kolleji @London, Buyuk Britaniya	82

QS World University Rankings 2022 талқинига кўра Осиё минтақасидаги энг яхши олийгоҳлар

↑ Daraja	↓ Universitet	↓ Umumiy ball
11	 Singapur Milliy Universiteti (NUS) @Singapur, Singapur	93.9
12	 Nanyang texnologik universiteti, Singapur (NTU) @Singapur, Singapur	90.8
17	 Tsinghua universiteti @Pekin, Xitoy (materik)	89
18	 Pekin universiteti @Pekin, Xitoy (materik)	88.8
22	 Gonkong universiteti @Gonkong SAR	86.3
=23	 Tokio universiteti @Tokio, Yaponiya	86.2
31	 Fudan universiteti @Shanxay, Xitoy (materik)	82.6
33	 Kioto universiteti @Kioto, Yaponiya	82.3
34	 Gonkong fan va texnologiya universiteti @Gonkong SAR, Gonkong SAR	82.2

Times Higher Education World University Rankings 2022 талқинига кўра дунёдаги энг яхши олийгоҳлар

Daraja	Mamlakat/mintaqa nomi	Umuman	O'qitish	Tadqiqot	Iqtiboslar	Sanoat daromad	Xalqaro istiqbol
1	Oksford universiteti 📍 Birlashgan Qirollik	95.7	91,0	99.6	98,0	74.4	96.3
=2	Kaliforniya texnologiya instituti 📍 Qo'shma Shtatlar	95,0	93.6	96.9	97.8	90.4	83.8
=2	Garvard universiteti 📍 Qo'shma Shtatlar	95,0	94.5	98.9	99.2	48.9	79.8
4	Stenford universiteti 📍 Qo'shma Shtatlar	94.9	92.3	96.8	99.9	91,0	79.7
=5	Kembrij universiteti 📍 Birlashgan Qirollik	94.6	90.9	99.5	96.2	56.7	95.8
=5	Massachusetts texnologiya instituti 📍 Qo'shma Shtatlar	94.6	90.9	94.4	99.7	93.7	89.9
7	Prinston universiteti 📍 Qo'shma Shtatlar	93.6	89.5	96,0	99,0	88.8	80.7
8	Kaliforniya universiteti, Berkli 📍 Qo'shma Shtatlar	92.2	85.7	96,0	99.1	84.7	77.6
9	Yel universiteti 📍 Qo'shma Shtatlar	90.8	90.7	93,0	97,0	56.2	69.9
10	Chikago universiteti 📍 Qo'shma Shtatlar	89.8	87.2	90.6	98.3	56.3	74.4

Times Higher Education World University Rankings 2022 талқинига кўра Буюк Британиядаги энг яхши олийгоҳлар

Daraja	Mamlakat/mintaqa nomi	Umuman	O'qitish	Tadqiqot	Iqtiboslar	Sanoat daromadi	Xalqaro istiqbol
1	Oksford universiteti 📍 Birlashgan Qirollik	95.7	91,0	99.6	98,0	74.4	96.3
=5	Kembrij universiteti 📍 Birlashgan Qirollik	94.6	90.9	99.5	96.2	56.7	95.8
12	London Imperial kolleji 📍 Birlashgan Qirollik	89.3	81.4	88.3	97.6	70.8	97.5
=18	UCL 📍 Birlashgan Qirollik	87.2	76.8	88.9	96.9	44.7	96.7
27	London iqtisodiyot va siyosat fanlari maktabi 📍 Birlashgan Qirollik	80.8	68,0	80.8	94.4	35.8	92.7
=30	Edinburg universiteti 📍 Birlashgan Qirollik	78.9	66.1	74.2	95.6	40.2	95.2
=35	London King's kolleji 📍 Birlashgan Qirollik	76,0	57.6	71.2	96.9	43.7	95.9

Times Higher Education World University Rankings 2023 талқинига кўра Хитойдаги энг яхши олийгоҳлар

Daraja	Mamlakat/mintaqa nomi	Umuman	O'qitish	Tadqiqot	Iqtiboslar	Sanoat daro'madi	Xalqaro istiqbol
=16	Pekin universiteti 📍 Xitoy Tadqiq qiling	87.5	91.4	94.6	81.7	93.1	65.1
=16	Tsinghua universiteti 📍 Xitoy Tadqiq qiling	87.5	88.1	95.7	86.8	100,0	50.6
60	Fudan universiteti 📍 Xitoy	69.7	66.8	68.4	79,0	70.7	48.6
=75	Zhejiang universiteti 📍 Xitoy Tadqiq qiling	65.8	67.2	69.9	58.6	100,0	61.6
84	Shanxay Jiao Tong universiteti 📍 Xitoy	64.7	64.2	71.9	59.3	100,0	47,0
=88	Xitoy fan va texnologiya universiteti 📍 Xitoy Tadqiq qiling	63.6	63.4	61.5	72.8	70.3	34.5
=105	Nankin universiteti 📍 Xitoy	61.5	54.9	54.6	74,0	86.8	56.6

Ranking Web of Universities (Webometrics) 2022 талқинига кўра дунёдаги энг яхши олийгоҳлар

Dunyo

reiting	Universitet	Det.	Mamlakat	Ta'sir darajasi*	Ochiqlik darajasi*	A'lo darajadagi unvon*
1	Garvard universiteti			1	1	1
2	Stenford universiteti			3	2	4
3	Massachusets texnologiya instituti			1	4	15
4	Oksford universiteti			14	6	5
5	Kaliforniya Berkli universiteti			4	3	27
6	Michigan universiteti			8	12	8
7	Vashington universiteti			6	69	10
8	Kornell universiteti			5	15	23
9	Kolumbiya universiteti Nyu-York			9	8	18
10	Jons Xopkins universiteti			16	36	7
11	Kembriji universiteti			21	5	14
11	Pensilvaniya universiteti			13	11	19
13	Kaliforniya universiteti Los-Anjeles UCLA			20	9	20
14	Yei universiteti			10	13	29
15	UCL universiteti kolleji London			43	10	6
16	Toronto universiteti			35	26	13
17	Kaliforniya universiteti San-Diego			27	7	24
18	Pensilvaniya shtati universiteti			11	35	58
19	Viskonsin Madison universiteti			12	25	54
20	Minnesota universiteti tizimi			15	20	52
21	Dyuk universiteti			29	14	33
22	Shimoli-g'arbiy universiteti			31	19	37
23	Nyu-York universiteti			26	31	44
24	Prinston universiteti			7	16	121
25	Texas universiteti Ostin			19	29	72

Ranking Web of Universities (Webometrics) 2022 талқинига кўра Шимолий Америка минтақасидаги энг яхши олийгоҳлар

Amerika

reytinq	Jahon reytinqi 	Universitet	Det.	Mamlakat	Ta'sir darajasi*	Ochliqlik darajasi*	A'lo darajadagi unvon*
1	1	Garvard universiteti			1	1	1
2	2	Stenford universiteti			3	2	4
3	3	Massachusets texnologiya instituti			1	4	15
4	5	Kaliforniya Berkli universiteti			4	3	27
5	6	Michigan universiteti			8	12	8
6	7	Vashington universiteti			6	69	10
7	8	Kornell universiteti			5	15	23
8	9	Kolumbiya universiteti Nyu-York			9	8	18
9	10	Jons Xopkins universiteti			16	36	7
10	11	Pensilvaniya universiteti			13	11	19
11	13	Kaliforniya universiteti Los-Anjeles UCLA			20	9	20
12	14	Yei universiteti			10	13	29
13	16	Toronto universiteti			35	26	13
14	17	Kaliforniya universiteti San-Diego			27	7	24
15	18	Pensilvaniya shtati universiteti			11	35	58
16	19	Viskonsin Madison universiteti			12	25	54
17	20	Minnesota universiteti tizimi			15	20	52
18	21	Dyuk universiteti			29	14	33
19	22	Shimoli-g'arbiy universitet			31	19	37
20	23	Nyu-York universiteti			26	31	44
21	24	Prinston universiteti			7	16	121
22	25	Texas universiteti Ostin			19	29	72
23	27	Chikago universiteti			22	23	90
24	28	Britaniya Kolumbiyasi universiteti			40	28	39
25	29	Shimoliy Karolina universiteti Chapel Hill			32	22	56

Ranking Web of Universities (Webometrics) 2022 талқинига кўра Осиё-Тинч океани минтақасидаги энг яхши олийгоҳлар

Osiyo/Tinch okeani

reytinq	Jahon reytingi	Universitet	Det.	Mamlakat	Ta'sir darajasi*	Ochiqlik darajasi*	A'lo darajadagi unvon*
1	26	Tsinghua universiteti / chānghua			112	82	3
2	38	Pekin universiteti / chānīng			91	160	12
3	40	Melburn universiteti			101	55	21
4	45	Yangi Janubiy Uels universiteti			88	63	30
5	48	Singapur milliy universiteti			118	67	22
6	51	Sidney universiteti			146	49	17
7	52	Kvinslend universiteti			110	40	31
8	57	Monash universiteti			142	38	28
9	64	Tokio universiteti / mīngīng			90	211	55
10	68	Shanxay Tszyao Tong universiteti / shīngīng			241	227	9
11	71	Chiejiang universiteti (Che Kiang milliy universiteti)			259	177	11
12	78	Gonkong universiteti			132	80	89
13	80	Avstraliya Milliy Universiteti			86	61	167
14	81	Gonkongdagi Xitoy universiteti			139	89	95
15	88	Nanvang Texnologiya universiteti			301	96	36
16	96	Kyoto universiteti / yīngāng			133	148	150
17	97	Xitoy fan va texnologiya universiteti / chāngāngāngāngān			322	224	41
18	97	Seul Milliy Universiteti / jeongbanqo			216	84	94
19	102	Adelaida universiteti			161	88	139
20	107	Fudan universiteti (Shanxay tibbiyot universiteti) / chāngān			299	251	49
21	131	G'arbiy Avstraliya universiteti			235	93	142
22	133	Huazhong Fan va Texnologiya Universiteti / hūzhōng			603	306	26
23	145	Milliy Tayvan universiteti / chāngāngāngān			145	216	217
24	151	Wuhan universiteti / chāngān			420	370	59
25	157	Oklend universiteti			207	147	180

Ranking Web of Universities (Webometrics) талқинига кўра Европа минтақасидаги энг яхши олийгоҳлар

Yevropa

reytng	Jahon reytingi ▲	Universitet	Det.	Mamlakat	Ta'sir darajasi*	Ochliglik darajasi*	A'lo darajadagi unvon*
1	4	Oksford universiteti	▶		14	6	5
2	11	Kembriji universiteti	▶		21	5	14
3	15	UCL universiteti kolleji London	▶		43	10	6
4	31	Eidgenössische Technische Hochschule ETH Tsyurix / Shveytsariya Federal texnologiya instituti Tsyurix	▶		46	42	34
5	32	London Imperial kolleji	▶		95	17	16
6	43	Edinburg universiteti	▶		54	66	50
7	61	Manchester universiteti	▶		103	43	65
8	66	Utrext universiteti / Utrext universiteti	▶		126	85	40
9	67	London King's kolleji	▶		144	34	42
10	73	Amsterdam universiteti / Amsterdam universiteti	▶		141	83	51
11	74	Kopengagen universiteti / København universiteti	▶		175	71	45
12	79	Leuven katolik universiteti / Katholieke universiteti Leuven	▶		188	72	57
13	84	Groningen universiteti / Rijksuniversiteit Groningen	▶		162	133	79
14	84	Lids universiteti	▶		107	119	144
15	86	Technische Universität München	▶		178	105	78
16	89	École Polytechnique Fédérale de Lozanne	▶		129	64	155
17	91	Xelsinki universiteti / Xelsingin yliopisto	▶		128	120	141
18	92	Tsyurix universiteti	▶		185	78	98
19	94	Oslo universiteti / Universitetet i Oslo	▶		138	113	152
20	95	Delft Texnologiya Universiteti TU Delft	▶		120	167	165
21	101	Nottingem universiteti	▶		169	111	120
22	102	Gent universiteti / Gent universiteti	▶		225	81	97
23	109	Orxus universiteti / Orxus universiteti	▶		237	127	84
24	111	Uorvik universiteti	▶		115	155	190
25	112	Ruprecht Karls Universität Heidelberg	▶		158	115	156

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Г.Бобоева. Халқаро рейтингларга кириш: натижа, муаммо, истиқбол. // Ўзбекистонда Олий таълим журнали. 2022. №1. 48-53 б.
2. В.Койков, А.Умбетжанова. Рейтинговая оценка образовательной деятельности организаций медицинского образования и науки. // Методические рекомендации. // РЦРЗ. Нур-Султан. 2019. 41 с.
3. Как формируются международные рейтинги // <https://kz.kursiv.media/2021-05-20/kak-formiruyutsya-mezhdunarodnye-reytingi-vuzov/>
4. Образовательные рейтинги университетов: что это, что они измеряют и кто их проводит // https://mel.fm/ucheba/fakultativ/6049281-university_rankings
5. University Rankings // https://www.topuniversities.com/university-rankings?q_s_qp=topnav
6. Impact Rankings // <https://www.timeshighereducation.com/impact-rankings>
7. Methodology of Rankings // <https://www.shanghai ranking.com/methodology/arwu/>
8. Global University Rankings // <https://www.usnews.com/education/best-global-universities/asia>
9. Uzbekistan University Rankings // <https://www.webometrics.info/en/Asia/Uzbekistan>
10. Asia University Rankings // <https://www.4icu.org/uz/universities/>
11. Asia University Rankings // <https://edurank.org/geo/as/>

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Халқаро рейтинглар: турлари, мазмуни ва моҳияти.....	4
Нуфузли халқаро рейтинг ташкилотлари: мақсад-вазифалари ва баҳолаш мезонлари.....	6
Республика олий таълим муассасаларининг халқаро рейтинглардаги ўрни ҳамда мавжуд муаммолар.....	13
Олий таълим муассасаларининг халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилаш бўйича таклиф ва тавсиялар.....	17
Иловалар.....	18
Фойдаланилган адабиётлар.....	30

Услубий нашр

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ НУФУЗЛИ
ТАШКИЛОТЛАР РЕЙТИНГИНИНГ
ТОП-1000 ТАЛИГИГА КИРИТИШ

Методик қўлланма

Муҳаррир
А.Тилавов

Мусаҳҳиҳ
А.Абдужалилов

Саҳифаловчи
О.Исмаилов

Техник муҳаррир
Н.Мирпўлатова

Нашлиц. № АI 245, 02.10.2013.

Теришга 09.01.2023 йилда топширилди. Босишга
18.01.2023 йилда рухсат этилди. Бичими: 84x108 1/32.

Офсет босма. "Latto" гарнитураси. Шартли б.т. 1,68.

Нашр б.т. 1,0. Адади 250 нусха. Бюртма №105.

Баҳоси шартнома асосида

«Sano-standart» нашриёти, 100190, Тошкент шаҳри,
Юнусобод-9, 13-54. E-mail: sano-standart@mail.ru

«Go To Print» ХК босмахонасида босилди.

Тошкент шаҳри, Широқ кўчаси, 100-уй.

Телефон: 71 228-07-96, факс: 71 228-07-95



ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ НУFUЗЛИ ТАШКИЛОТЛАР РЕЙТИНГИНИНГ ТОП-1000 ТАЛИГИГА КИРИТИШ



ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДҚИҚОТЛАРИ ВА
ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТИШ МАРКАЗИ

ISBN 978-9943-7215-4-8



9 789943 721548